

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

2013 — 2017 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АТРОФ-МУХИТ МУХОФАЗАСИ БҮЙИЧА ҲАРАКАТЛАР ДАСТУРИ ТҮҒРИСИДА

Атроф-муҳитнинг мақбул ҳолатини таъминлаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, иқтисодиёт тармоқларида барқарор ривожланишнинг экологик асосларини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор килади:

1. 2013 — 2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф - муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури ва уни амалга ошириш тадбирлари **1** ва **2-иловаларга** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига 2013 — 2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастурини бажариш тадбирларини ташкил этиш ва уларни назорат қилиш юклансин.

3. Мазкур қарор билан тасдиқланган тадбирларнинг масъул ижрочилари — Корагалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигига Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритиш учун мазкур қарор билан тасдиқланган тадбирлар юзасидан ҳар йили таклифлар киритсинглар;

2013 — 2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастурини бажариш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсинглар ва амалга оширсинглар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 27 май,
142-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги 142-сон қарорига
1-ИЛОВА

2013 — 2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича харакатлар ДАСТУРИ

I. Асосий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикасида кўп қиррали иқтисодиёт ва жамият қурилишининг асосий тамойиллари, умуман олганда, барқарор ривожланиш тамойиллари бўлиб, улар доирасида биринчи даражадаги муҳим вазифа ижтимоий ва бошқа соҳаларда сиёсат билан яқин интеграцияда изчил амалга ошириладиган макроиқтисодий режалаштиришнинг табиат муҳофазаси сиёсати билан мақбул уйғунлигидир. Республиканинг экологик сиёсати табиатнинг алоҳида элементларини муҳофаза қилишдан экологик тизимларни умумий муҳофазасига ўтишни амалга оширишга, инсон яшаш муҳитининг мақбул кўрсаткичларини кафолатлашга ва ўзаро алоқани иқтисодиёт тармоқларини «яшил иқтисодиёт» тамойилларига асосан ривожлантириш механизmlари билан уйғунлаштиришга йўналтирилган.

2. Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар миллий дастурида (АММҲМД, 1998 й.) асосий вазифа—устувор экологик муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал этиш воситаларини танлаш ва тегишли ташкилий ва маҳсус ўзгаришлар амалга оширилишини назарда тутувчи, мамлакатнинг барқарор ривожланиш йўлига ўтишига шарт-

шароитлар яратиш учун республиканинг табиатни муҳофаза қилиш фаолиятида умумий стратегияни шакллантиришдан иборатdir.

3. Ушбу Дастур АММҲМД асосида ишлаб чиқилган ва Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни экологик жиҳатдан биргаликда олиб борасидаги табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишга ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва мамлакатни барқарор ривожлантириш мақсадларига эришишга қаратилган.

II. Мазкур Дастурнинг мақсади ва вазифалари

4. Ушбу Дастур атроф-муҳит ҳолатининг кафолатланган сифатли даражасига эришиш борасидаги чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиатдан фойдаланиш бошқарувини такомиллаштириш ва самарали иқтисодий усулларини татбиқ қилиш, атроф-муҳит устуворлигини ҳисобга олган ҳолда, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, мамлакатнинг барқарор ривожланишига, экологик илм-фанни олға суришига ва барқарор ривожланиш мақсадларидаги таълимни жорий қилишга, экологик билимларни кенг тарғиб қилишга, шунингдек экологик маданиятни оширишга ёрдам берадиган шарт-шароитларни яратиш мақсадида ишлаб чиқилган.

5. Ушбу Дастурнинг **4-бандида** назарда тутилган мақсадларга эришиш учун қуидаги вазифаларни ҳал этиш зарур:

табиий ресурслардан, шу жумладан сув, ер, минерал-хом ашё ва биологик ресурслардан оқилона ва комплекс фойдаланиш;

ишлаб чиқаришда экологик тоза технологияларни жорий этиш ва технологик жараёнларни такомиллаштириш ҳисобига ҳаво муҳити, сув ва ер ресурсларининг ифлосланишини босқичма-босқич камайтириш;

атроф табиий муҳитни мунтазам баҳолаш ва унинг ижтимоий-экологик ҳолати прогнозини тузиш учун атроф табиий муҳит мониторинги механизмини такомиллаштириш;

экологик оғат минтақасида — Оролбўй ва мамлакатнинг бошқа экологик жиҳатдан нокулай худудларидаги экологик ҳолатни тиклаш ва соғломлаштириш чора-тадбирлари комплексини амалга ошириш;

аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва йирик шаҳарлар ва аҳоли пунктларидаги канализация тармоқлари тизимлари ва тозалаш иншоотларини яхшилаш;

атроф табиий муҳит муҳофазаси соҳасида илмий-техник салоҳиятни ривожлантириш ҳамда фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш;

муҳофаза этиладиган табиий худудлар тармоқларини ривожлантириш ва кенгайтириш;

атроф табиий муҳит муҳофазаси, экологик таълим ва барқарор ривожланиш мақсадларидаги таълим, шунингдек экологик билимларни тарғиб қилиш соҳасида табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини ва меъёрий-услубий асосни такомиллаштириш;

экологик муаммоларни ҳал этишда минтақавий ва халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш.

III. Ушбу Дастурни амалга оширишнинг асосий йўналишлари

6. Ушбу Дастурни бажариш қуидаги бешта асосий йўналишлар бўйича амалга оширилади:

аҳоли ва давлат учун яшаш муҳити ва экологик хавфсизлик даражасининг кафолатланган ва қулай шарт-шароитларини яратиш;

иқтисодиёт тармоқларини экологизациялаштириш, технологик жараёнларни ва табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини такомиллаштириш;

атроф-муҳитнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти чиқиндилари билан ифлосланишининг олдини олиш;

атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиатдан фойдаланиш, экологик таълим ва барқарор ривожланиш мақсадларидаги таълим соҳасида табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини ва меъёрий-услубий базани ривожлантириш;

табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини такомиллаштириш ва табиий муҳитни трансчегаравий ифлосланишининг олдини олиш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

3.1. Аҳоли ва давлат учун яшаши муҳити ва экологик хавфсизлик даражасининг кафолатланган ва қулай шароитларини яратиш

7. Қуидагилар аҳоли ва давлат учун яшаши муҳити ва экологик хавфсизлик даражасининг кафолатланган ва қулай шароитларини яратишдаги асосий вазифалар ҳисобланади:

экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудларда экотизимларни барқарорлаштириш ва уларни тиклаш;

атроф-муҳитнинг атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи моддалар ташламалари ва оқовалари билан ифлосланиш даражасини камайтириш;

аҳолини сифатли ичимлик сув билан таъминлаш;

атроф табиий муҳит ҳолати тўғрисидаги ишончли маълумот билан таъминлаш;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ривожлантириш ва кенгайтириш.

8. Ушбу Дастаннинг **7-бандида** назарда тутилган асосий вазифаларни бажариш учун қуидаги тадбирларни амалга ошириш талаб этилади:

Орол денгизининг қуриган тубида ўрмон-мелиоратив тадбирларини амалга ошириш орқали Оролбўйини экологик соғломлаштириш;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг йирик шаҳарлари ва аҳоли пунктларида сув қувурлари тармоқларини ривожлантириш орқали аҳолини сифатли ичимлик сув билан таъминлаш;

автомобиль ва темир йўл транспорти воситаларидан атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар ташламаларини ва оқова сувни тозалаш канализация иншоотларини реконструкция қилиш ҳисобига сув объектларига оқовалар оқизилишини камайтириш;

мавжуд муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни кенгайтириш ва янгилирини ривожлантириш, геологик табиий ёдгорликларни хатловдан ўтказиш, Устюрт текисликларида сайғоқлар популяциясини сақлаш тадбирларини ишлаб чикиш;

ўсимлик дунёси давлат кадастри юритилишининг асоси сифатида, Ўзбекистоннинг ўсимлик дунёси генофондини баҳолаш.

3.2. Иқтисодиёт тармоқларини экологизациялаштириши, технологик жараёнлар ва табиатни муҳофаза қилиши фаолиятини такомиллаштириши

9. Ишлаб чиқариш корхоналарини модернизациялаш ва реконструкциялаш, экологик тоза ва ресурсларни тежайдиган технологияларни, шу жумладан қайта тикланувчан энергия манбаларини татбиқ қилиш орқали атроф-муҳитга таъсирни камайтириш ва табиий ресурслардан оқилона ва комплекс фойдаланиш самарадорлигини ошириш иқтисодиёт тармоқларини экологизациялаштириш, технологик жараёнлар ва табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий вазифалариdir.

10. Ушбу Дастаннинг **9-бандида** кўрсатилган асосий вазифаларни бажариш қуидаги тадбирларни рўёбга чиқариш орқали амалга оширилади:

кон-металлургия ишлаб чиқаришида экологик жиҳатдан асосланган, кам чиқитли технологияларни жорий қилиш, табиий муҳитнинг ифлосланишини камайтириш тадбирлари комплексини амалга ошириш;

газ-кимё комплекси корхоналарида тўғридан-тўғри оксидлаш усули билан олтингугурт олишнинг мавжуд технологиясини модернизациялаш;

нефть ва газ қазиб олиш объектларида йўлдош газларни утиллаштириш қурилмасини барпо этиш;

иссиқлик электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш жараёнларида энергия самарадорлигини ошириш ва буғ-газ қурилмаларини жорий этиш ҳисобига атмосферага ифлослантирувчи моддалар ташламаларини қисқартириш;

пахта тозалаш корхоналарида, тиббиёт ва таълим муассасаларида энергиянинг қайта тикланувчан, экологик тоза манбаларини жорий этиш.

3.3. Атроф-муҳитни ишлаб чиқариши ва хўжалик фаолияти чиқиндилари билан ифлосланишининг олдини олиш

11. Куйидагилар атроф-муҳитни ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти чиқиндилари билан ифлосланишининг олдини олиш соҳасидаги асосий вазифалар ҳисобланади:

ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти чиқиндиларининг атроф-муҳиттга заарли таъсирининг олдини олиш ва уни бартараф этиш;

бузилган ерларни рекультивациялаш;

захарли чиқиндили кўмилма ва полигонларни реабилитациялаш;

собиқ уран конларидағи экологик вазиятни соғломлаштириш.

12. Ушбу Дастурнинг **11-бандида** кўрсатилган асосий вазифаларни бажариш учун қўйидаги асосий тадбирларни амалга ошириш назарда тутилади:

Намангандан Тошкент вилоятларининг собиқ уран конлари ҳудудларидаги экологик вазиятни соғломлаштириш;

кон-металлургия тармоғи объектларидаги заҳарли чиқиндилар сақлагичларини реабилитациялаш;

Навоий ва Бухоро вилоятларидаги кон-металлургия тармоғи объектларидаги бузилган ерларни рекультивациялаш ва улардан фойдаланиш;

махсус полигонларда заҳарли кимёвий ва токсик моддалар кўмилган жойлардаги ерларни рекультивациялаш орқали экологик вазиятни соғломлаштириш;

иссиқлик электр станцияларида ҳосил бўладиган кул-шлакли чиқиндиларни утиллаштириш технологиясини ишлаб чиқиш;

таркибида симоб моддаси бўлган лампа ва асбобларни демеркуризациялаш.

3.4. Атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиатдан фойдаланиши, экологик таълим ва барқарор ривожланиши мақсадларидаги таълим соҳасида табиатни муҳофaza қилиши қонунчилигини ва меъёрий-услубий базани ривожлантириши

13. Атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиатдан фойдаланиш, экологик таълим ва барқарор ривожланиши мақсадларидаги таълим соҳасида табиатни муҳофaza қилиши қонунчилигини ва меъёрий-услубий базани ривожлантириш қўйидаги асосий вазифаларни амалга оширишни назарда тутади:

атроф-муҳит муҳофазаси ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги меъёрий-хуқуқий базаларни ривожлантириш;

табиатдан фойдаланишининг меъёрий-хуқуқий базаларини такомиллаштиришни ва экологик назоратни амалга ошириш учун меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш;

экологик таълим ва барқарор ривожланиши мақсадларидаги таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш;

аҳолининг экологик маданиятини ошириш, экологик муаммоларни ҳал этишга жамиятнинг турли қатламларини жалб этиш, экологик билимларни тарғиб қилиш.

14. Мазкур Дастурнинг **13-бандида** кўрсатилган асосий вазифаларни рўёбга чиқариш қўйидаги асосий тадбирларни бажариш орқали амалга оширилади:

«Атмосфера ҳавосини муҳофaza қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси **Қонунига** ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва киритиш;

атмосфера ҳавоси таркибидаги майдада дисперсли қаттиқ заррачалар (PM_{10} ва $PM_{2,5}$)ни аниқлаш услуби бўйича меъёрий ҳужжатни ишлаб чиқиш;

экологик сертификатлаш тизимида дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

барқарор ривожланиши мақсадлари учун таълим бўйича ва Давлат табиатни муҳофaza қилиши қўмитаси тизими ҳамда экологик хизмат кўрсатувчи-меъёрий-техник ҳужжатларни ишлаб чиқувчи ташкилотлар ходимларининг касбий малакаларини ошириш бўйича ўқув-услубий марказлар ташкил этиш;

«Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби»нинг навбатдаги, «Мухофаза этиладиган табиий худудлар» китоб-фотоальбоми ва шу кабиларни тайёрлаш ва нашр этиши.

3.5. Табиатни муҳофаза қилиши фаолиятини тақомиллаштириши ва табиий муҳитнинг трансчегаравий ифлосланишининг олдини олиш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириши

15. Табиатни муҳофаза қилиши фаолиятини тақомиллаштириши ва табиий муҳитнинг трансчегаравий ифлосланишининг олдини олиш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамият билан атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиши соҳасидаги халқаро шартномалар талабларини бажариш доирасидаги ўзаро ҳаракатлари самарадорлигини ошириш;

глобал ва минтақавий экологик муаммоларни ҳал этиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ифодалаш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган механизмларни амалга ошириш.

16. Ушбу Дастурнинг **15-бандида** кўрсатилган асосий вазифаларни бажаришга эришиш тегишли халқаро анжуманлар, дастур ва лойиҳаларда иштирок этиш, халқаро (давлатлараро) шартномаларни, хусусан қўйидагилар орқали таъминланади:

биохилма-хилликни сақлаб қолиш бўйича Миллий стратегия ва Ҳаракатлар режасининг янги таҳририни тайёрлаш;

БМТнинг иқлим ўзгариши тўғрисидаги Доиравий конвенцияси бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборотини тайёрлаш;

кимёвий моддаларни халқаро тартибга солишга Стратегик ёндашувни жорий қилиш бўйича ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасининг Турғун органик ифлослантирувчилар тўғрисидаги Конвенцияга, Ҳавонинг катта масофаларга трансчегаравий ифлосланиши тўғрисидаги Конвенцияга ва БМТ ЕИКнинг Атроф-муҳитга трансчегаравий жиҳатдан таъсир кўрсатишни баҳолаш тўғрисидаги Конвенциясига қўшилишининг мақсадга мувофиқлиги хақидаги масалани асослаш;

Ўзбекистон томонидан Минг йиллик Ривожланиш Мақсадларига эришиш бўйича тадбирларни бажариш;

Майли-Сув, Шоҳимардонсой дарёлари ҳавзаларида жойлашган ишлаб чиқариш чиқиндилари сақлагичлари ва «Тожикистон алюминий компанияси» ва бошқаларнинг трансчегаравий таъсир билан боғлиқ муаммолар бўйича ҳамкорлик ўрнатиш.

IV. Ушбу Дастурни амалга ошириш механизми

17. Ушбу Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан амалга оширилади, у:

масъул ижрочилар билан биргалиқда моддий-техника ресурслари, технологик салоҳият ва бошқа шу каби омиллар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, мазкур Дастур тадбирларига аниқлик ва тузатишлар киритишни ўрганиб чиқади ва таклифлар тайёрлайди;

ушбу Дастурда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун ажратилган молиявий маблағлар ва моддий ресурслардан фойдаланиш мониторингини амалга оширади;

мазкур қарорда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш механизми, услуби ва шартларини тақомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

ушбу Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қиласи ва йилнинг ҳар чорагида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот тақдим этади.

18. Мазкур Дастурда назарда тутилган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган тадбирларни молиялаштириш ҳажмларига, унинг манзилли қисми тегишли календарь йил учун шакллантирилаётганда, Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетларнинг имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда, ҳар йили аниқлик киритилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги 142-сон қарорига
2-ИЛОВА

**2013 — 2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-мухит муҳофазаси бўйича
харакатлар дастурини амалга ошириш**

ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Олдинги таҳтирга қаранг.

T/р	Тадбирлар мазмуни	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар	Молиялаштириш манбалари	К
I. Кафолатланган ва қулай яшаш муҳити шароитларини ҳамда ахоли ва давлат учун экологик даражасини яратиш					
1.	Орол денгизининг қуриган тубидаги 80 минг гектар майдонда ўрмон мелиоратив тадбирларини ўтказиш йўли билан Оролбўйидаги экологик ҳолатни соғломлаштириш.	2013 — 2017 йиллар	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	Хар йили ажратиладиган давлат бюджети маблағлари	Ихудуд этик қа биохи
2.	Географик ахборот тизимларини (ГАТ технологияларини) кўллаган ҳолда атроф табиий муҳит ҳолати давлат мониторингининг интеграциялашган ахборот базасини ташкил этиш.	2013 — 2017 йиллар	Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси	Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси хўзуридаги Республика табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси маблағларидан 200,0 млн сўм, шу жумладан: 2013 йилда — 30 млн сўм; 2014 йилда — 35 млн сўм; 2015 йилда — 40 млн сўм; 2016 йилда — 45 млн сўм; 2017 йилда — 50 млн сўм.	Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 292-сон мувофиқ тартибий тадбиқатида атроф табиий муҳитини мониторингини ахборотни ташкил этиш.
3.	2013 — 2015 йиллар даврида «Тожикистон алюминий компанияси» ДУКнинг салбий таъсирларига дучор бўлган Сурхондарё вилоятининг шимолий туманларида атроф табиий муҳит ифлосланишининг комплекс мониторингини олиб бориш.	2013 — 2015 йиллар	Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат геология қўмитаси, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, «Ўзгидромет» маркази	Вазирликлар ва идоралар — масъул ижро чилирнинг, шу жумладан: Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси хўзуридаги Республика табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси маблағларидан 35 млн сўм, шу жумладан:	Сурхондари вилоятининг Тожикистонини чегарарадиган туманларини атмосферада ҳавосини ва ер осмонини сувларни сув манзулларни тупроқни ифлослантиришни кишлигини олиб бориш.

T/р	Тадбирлар мазмуни	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар	Молиялашириш манбалари	К н
I. Кафолатланган ва қулай яшаш муҳити шароитларини ҳамда ахоли ва давлат учун экологик даражасини яратиш					
				2013 йилда — 10 млн сўм; 2014 йилда — 10 млн сўм; 2015 йилда — 15 млн сўм.	экинла истико аҳолин салома компле
4.	«Ўзгидромет» марказининг радиоактив ифлосланиш мониторинги лабораторияларини техника билан қайта жиҳозлаш.	2013-2014 йилла♦	«Ўзгидромет» маркази	Атом энергияси бўйича халқаро агентлик маблағларидан 139,305 минг евро, шу жумладан: 2013 йилда — 97,395 минг евро; 2014 йилда — 41,910 минг евро.	Атмосса хавоси радиоа ифлосл тўгриси ва ўз ва ахборо монито тизими салохи
5.	Мухофаза этиладиган табиий худудлар — чучук ер ости суви конлари ҳосил бўлиш худудларининг картографик асосини яратиш.	2013 — 2017 йиллар	«ГИДРОИНГЕО институти» ДК, Давлат геология қўмитаси	Хар йили ажратиладиган давлат бюджети маблағларидан жами 1200 млн сўм, шу жумладан: 2013 йилда — 150 млн сўм; 2014 йилда — 185 млн сўм; 2015 йилда — 255 млн сўм; 2016 йилда — 270 млн сўм; 2017 йилда — 340 млн сўм.	Чучук с конлар худудл замона геоэко баҳола харита ҳамда с чора-та ишлиб
6.	Фарғона водийсининг адир худудларидағи янги суфориладиган ерларнинг чучук ер ости суви конларининг ҳолатига таъсирини баҳолаш.	2015 — 2017 йиллар	«Гидроминерал ресурслар геологияси» илмий-ишлаб чиқариш маркази давлат корхонаси	Хар йили ажратиладиган давлат бюджети маблағларидан 650 млн сўм, шу жумладан: 2015 йилда — 200 млн сўм; 2016 йилда — 200 млн сўм; 2017 йилда — 250 млн сўм.	Фарғон фойдал чучук е конлар сифатли сақлаб тавсия чиқиши
7.	Сув тақчил йилларда Оролбўйи аҳолисининг хўжалик-ичимлик сув таъминотини яхшилаш	2013 — 2017 йиллар	«Гидроминерал ресурслар геологияси» илмий-ишлаб чиқариш маркази давлат корхонаси	Хар йили ажратиладиган давлат бюджети маблағларидан	Оролбў аҳолис марказ сув таъ

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар	Молиялаштириш манбалари	К н
I. Кафолатланган ва қулай яшаш муҳити шароитларини ҳамда ахоли ва давлат учун экологик даражасини яратиш					
	учун Амударё этакларида гидрогеоэкологик изланишлар олиб бориш.			700 млн сўм, шу жумладан: 2013 йилда — 30 млн сўм; 2014 йилда — 170 млн сўм; 2015 йилда — 300 млн сўм; 2016 йилда — 150 млн сўм; 2017 йилда — 50 млн сўм.	ташкил учун чишурланувчаларни аниқлаш
8.	Қорақалпоғистон Республикаси ахолисининг муқобил сув таъминоти манбаси сифатида Амударё қуйи оқимида ва Жанубий Оролбўйи артезиан ҳавзасида канал бўйларида аниқланган чучук сув линзалари захираларининг ахборот-картографик маълумотлар базасини яратиш.	2013 — 2017 йиллар	«Гидроминерал ресурслар геологияси» илмий-ишлабчиқариш маркази давлат корхонаси	Ҳар йили ажратиладиган давлат бюджети маблағларидан 900 млн сўм, шу жумладан: 2013 йилда — 350 млн сўм; 2014 йилда — 160 млн сўм; 2015 йилда — 300 млн сўм; 2016 йилда — 45 млн сўм; 2017 йилда — 45 млн сўм.	Каналларни ўзаниб бер остиларни линзалирувчи реабилитация ахоли ичимли таъминоти Жанубий артезиан сувларни мелдан сувлини фойдалашмақбул
9.	Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилоятлари ахолисининг хўжалик-ичимлик сув таъминотини яхшилаш учун Дамхўжа сув ўтказгичини қайта таъмирлаш.	2013 — 2016 йиллар	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилоятлари ҳокимликлари	Осиё тараққиёт банки маблағларидан 11,83 млн АҚШ доллари	Самарқанд, Навоий ахолисининг сув таъминотини яхшилаш
10.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги ПҚ-1446-сон қарорига мувофиқ қўйидаги шаҳарлардаги канализация тизимларини яхшилаш: Кўқон шаҳрида Андижон шаҳрида	2013 — 2016 йиллар 2013 — 2016 йиллар	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Фарғона, Андижон, Сурхондарё, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари ҳокимликлари	Осиё тараққиёт банки маблағларидан 41,9 млн АҚШ доллари миқдорида Осиё тараққиёт банки маблағларидан 25,9	Кўқон шаҳрида суткасига метр су куввати иншоотканалига тармокни қайта таъмирлаш Андижон шаҳрида суткасига куб метр су куввати иншоотканалига тармокни қайта таъмирлаш

T/р	Тадбирлар мазмуни	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар	Молиялаштириш манбалари	К н
I. Кафолатланган ва қулай яшаш муҳити шароитларини ҳамда ахоли ва давлат учун экологик даражасини яратиш					
	Термиз шаҳрида	2013 — 2017 йиллар		млн АҚШ доллары миқдорида Осиё тараққиёт банки маблағларидан 18,5 млн АҚШ доллары миқдорида	тозалаган иншоот таъмири канали тармок ва қайт Термиз км масканали тармок таъмири ва суткун куб метр тозалаган иншоот таъмири Самарқанд шаҳарларини иншоот станцияни канали тармок таъмири натижаси ресурслар ифлосли олдининг
	Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида	2013 — 2017 йиллар		Халқаро ривожланиш ассоциацияси маблағларидан 66,16 млн АҚШ доллары миқдорида	
11.	Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг тозалаш иншоотларини қайта таъмирлаш.	2013 — 2015 йиллар	«Ўзнефтмаҳсулот» АҚ	«Ўзнефтмаҳсулот» АҚ маблағларидан 12,5 млн евро миқдорида	Оқоватозалаган самара оширилган ресурслар ифлосли сифати ёмонлаган олдининг таъминотланиши тизими этиш ишлар ресурслар
12.	Карши—Термиз участкасидаги темир йўлларни электрлаштириш.	2013 — 2017 йиллар	«Ўзбекистон темир йўллари» компанияси	«Ўзбекистон темир йўллари» компанияси маблағларидан 167,73 млн АҚШ доллары миқдорида; Хорижий инвестициялар	Атмосферичиқарни ифлосли моддалар газлар йилига кисқар

Т/р	Тадбирлар мазмуні	Бажарыш мұддатлари	Масъул бажарувчилар	Молиялаштириш манбалари	К н
I. Кафолатланган ва қулай яшаш мұхити шароитларини ҳамда ахоли ва давлат учун экологика дарражасини яратиш					
				маблағларидан 220,6 млн АҚШ доллари миқдорида	
13.	74 мингта автомобиль транспортини газ ёнілғисига (сиқилған табиий газ ва суолтирилған нефть газига) ўтказишина ташкиллаштириш ва амалга ошириш.	2013 — 2017 йиллар	Вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, ихтиёрийлик асосида нодавлат юридик шахслар ва жисмоний шахсларнинг маблағларидан 59200,0 млн сүм, шу жумладан: 2013 йилда — 11840 млн сүм; 2014 йилда — 11840 млн сүм; 2015 йилда — 11840 млн сүм; 2016 йилда — 11840 млн сүм; 2017 йилда — 11840 млн сүм.	Вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, ихтиёрийлик асосида нодавлат юридик шахслар ва жисмоний шахслар	Атмосфераның чиқарылған ифлосының мөдделе, йилига тоннага кесілген газ ташкиллаштириш
14.	2012 — 2015 йиллар даврида Сайгоқларни муҳофаза қилиш, уларнинг бош сонини күпайтириш ва барқарор ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Қозогистон Республикаси Ҳукумати ўртасидаги Келишувни амалга ошириш: Устюрт текислигига сайгоқлар популяциясининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш ва уларни саклаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;	2013 — 2015 йиллар	Фанлар академиясининг ҳайвонот ва ўсимлик дунёси генофонди институти	Глобал экологик жамғарма (ГЭЖ)/БМТ ТД маблағларидан 1150 минг АҚШ доллари миқдорида, шу жумладан: 950 минг АҚШ доллари — ГЭЖ; 200 минг АҚШ доллари — БМТ ТД; Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси, «Давбионазорат» инспекциясининг бюджетдан ташқари маблағларидан 90 млн сүм миқдорида, шу жумладан: 2013 йилда — 30 млн сүм; 2014 йилда — 30 млн сүм;	Сайгоқларни популяциясининг кўпайтиришни уларни мұхитиден саклаш

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар	Молиялаштириш манбалари	К н
I. Кафолатланган ва қулай яшаш муҳити шароитларини ҳамда ахоли ва давлат учун экологик даражасини яратиш					
	Устюрт текислигига «Сайгачий» мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхонасини ташкил этиш;	2013 — 2015 йиллар	Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Фанлар академиясининг ҳайвонот ва ўсимлик дунёси генофонд институти	2015 йилда — 30 млн сўм. «Давбионазорат» инспекциясининг бюджетдан ташқари маблағларидан 45 млн сўм миқдорида, шу жумладан: 2013 йилда — 15,0 млн сўм; 2014 йилда — 5,0 млн сўм; 2015 йилда — 15,0 млн сўм.	Фауна камёб т биолог ландша хиллиг қилиш. 2020 йи Ўзбеки Респуб мухоф табиий ривожл Дастур мухоф табиий ташкил
15.	Угам-Чотқол давлат миллий табиат боғи (ДМТБ) таркибидаги ядро сифатида Пском кўриқхонасини ривожлантириш.	2013-2014 йиллар	Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Фанлар академиясининг ҳайвонот ва ўсимлик дунёси генофонди институти	Угам-Чотқол ДМТБ бюджетдан ташқари маблағларидан 30 млн сўм миқдорида, шу жумладан: 2013 йилда — 15,0 млн сўм; 2014 йилда — 15,0 млн сўм.	Фауна камёб т биолог ландша хиллиг қилиш. Ҳайвон дунёси мақбул яхшила
16.	Тарихий ва табиий маданият обидаларини термитлар ва бошқа ксилофаглар зараридан сақлаб қолишининг экологик хавфсиз услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	2013 — 2017 йиллар	Маданият вазирлиги, Фанлар академиясининг ҳайвонот ва ўсимлик дунёси генофонди институти, Термитларга қарши курашиш маркази	Маданият вазирлиги маблағларидан 500,0 млн сўм, шу жумладан: 2013 йилда — 100 млн сўм; 2014 йилда — 100 млн сўм; 2015 йилда — 100 млн сўм; 2016 йилда — 100 млн сўм; 2017 йилда — 100 млн сўм.	Қадим обидал маданият (архите обидал констр қадими бошқа объект қолиши.
17.	Мухофаза этиладиган табиий худудларни ривожлантириш: Хисор давлат кўриқхонаси	2013 — 2017 йиллар	Хисор давлат кўриқхонаси, «Давбионазорат» инспекцияси	Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳузуридаги Республика табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси,	Ҳайвон дунёси мақбул яхшила

Т/р	Тадбирлар мазмуні	Бажарыш мұддатлари	Масъул бажарувчилар	Молиялаштириш манбалари	К н
I. Кафолатланған ва қулай яшаш мұхити шароитларини ҳамда ахоли ва давлат учун экологикалық даражасини яратып					
	«Жайрон» екомаркази	2013 — 2017 йиллар	«Жайрон» екомаркази, «Давбионазорат» инспекцияси	<p>«Давбионазорат» инспекцияси, маҳаллий табиатни мухофаза қилиш жамғармалари маблағларидан 300 млн сүм, шу жумладан:</p> <p>2013 йилда — 60 млн сүм;</p> <p>2014 йилда — 100 млн сүм;</p> <p>2015 йилда — 50 млн сүм;</p> <p>2016 йилда — 50 млн сүм;</p> <p>2017 йилда — 40 млн сүм.</p> <p>Давлат табиатни мухофаза қилиш күмитаси ҳузуридаги Республика табиатни мухофаза қилиш жамғармаси, «Давбионазорат» инспекцияси маблағларидан 400 млн сүм, шу жумладан:</p> <p>2013 йилда — 250 млн сүм;</p> <p>2014 йилда — 75 млн сүм;</p> <p>2015 йилда — 25 млн сүм;</p> <p>2016 йилда — 25 млн сүм;</p> <p>2017 йилда — 25 млн сүм.</p>	Жайрон Пржевальская Кулеба озуқа бетаъмин популяциялық күпайтын «Жайрон» екомарказының құшым мен үзлаштыруға.ча).
18.	Геологик табиат обидаларининг хатловини ўтказиш, уларни сақлаб қолиш ва улардан фойдаланиш бўйича каталог ва тавсиялар ишлаб чиқиши.	2013 — 2015 йиллар	Давлат геология күмитасининг «Давлат геология ахборот маркази», «Минерал ресурслар институти»	Хар йили ажратиладиган давлат бюджети маблағларидан 90 млн сүм,	Илмий маданий аҳамиятни ноёб геологик обидаларни тұғристары базасында

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар	Молиялашириш манбалари	К н
I. Кафолатланган ва қулай яшаш муҳити шароитларини ҳамда ахоли ва давлат учун экологик даражасини яратиш					
				2015 йилда — 30 млн сўм.	
19.	Ўсимлик дунёси давлат кадастрини юритишининг асоси сифатида Ўзбекистоннинг ўсимлик дунёси генофондини баҳолаш.	2013 — 2017 йиллар	«Давбионазорат» инспекциясининг ҳайвонот ва ўсимлик дунёси генофонди институти	«Давбионазорат» инспекциясининг бюджетдан ташқари маблағларидан 200 млн сўм, шу жумладан: 2013 йилда — 40 млн сўм; 2014 йилда — 40 млн сўм; 2015 йилда — 40 млн сўм; 2016 йилда — 40 млн сўм; 2017 йилда — 40 млн сўм.	Ўсимлик кадастри юритиши асосини Ўзбекистон ўсимлик генофонди ва тарқабаҳолаш
20.	Балиқларнинг ноёб ва йўқолиб бораётган турларини кўпайтириш технологияларини ишлаб чиқиши («Аква-Тўдакўл» ҚҚ мисолида).	2013 — 2015 йиллар	Фанлар академиясининг Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси генофонди институти, Хоразм Маъмун Академияси, «Аква-Тўдакўл» ҚҚ	Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳузуридаги Республика табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси, «Давбионазорат» инспекцияси, «Аква-Тўдакўл» ҚҚ маблағларидан 150 млн сўм миқдорида, шу жумладан: 2013 йилда — 50 млн сўм; 2014 йилда — 50 млн сўм; 2015 йилда — 50 млн сўм.	Республика табиатни ҳавзасида балиқлар йўқолиб турларни кўпайтиш
21.	Овланадиган балиқлар асосий тўдаларининг ҳолатини баҳолаш ва овлашга рухсат этилган йиллик меъёрларини аниқлаш.	2014 — 2017 йиллар	Фанлар академиясининг ҳайвонот ва ўсимлик дунёси генофонди институти, Фанлар академиясининг Қорақалпоқ минтақавий бўлимининг Қорақалпоғистон табиий фанлар илмий-тадқиқот институти	Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳузуридаги Республика табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси, «Давбионазорат» инспекцияси маблағларидан 300 млн сўм миқдорида, шу жумладан:	Асосий оид об тўдаларни ҳолатини захира баҳолашни ишлаб Аниқ сабабли балиқларни захира баҳолашни натижаси

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Бажариш мұддатлари	Масъул бажарувчилар	Молиялаштириш манбалари	К н
I. Кафолатланған ва құлай яшаш мұхити шароитларини ҳамда ахоли ва давлат учун экологикалық даражасини яратыш					
				2014 йилда — 70 млн сүм; 2015 йилда — 70 млн сүм; 2016 йилда — 80 млн сүм; 2017 йилда — 80 млн сүм.	балиқ жағдайларындағы оқилюстрированың мақсадындағы таралының овлаштырылышындағы этилгалактозаминдердегі белгиліліктердің мөндеуінде
